

# Рамазоннинг ҳар бир дақиқаси ғанимат



05:30 / 13 март 1735

Рамазон – ибодат ойи. Намоз ибодатини, Қуръон қироатини кўпайтирадиган ой. Шошилмайдиган, ибодатлардан зерикмайдиган ой. Ғанимат ойи!

Яна шуни билмоқ керакки, Қуръон тиловат қилувчи қорига бир савоб берилса, уни ихлос билан эшитганга икки савоб берилади.

Имом Доримий ўз муснадида ривоят қилади:

نارحاً هل عم تسى ى ذلأ ناو، رحأ هل نآرقولأ أرقى ى ذلأ نا

**«Шак йўқки, Қуръон қироат қилганга, бир савоб, уни эшитган кимсага икки савобдир!»**

Агар мазкур ҳадисни Қуръон тиловатининг ҳар бир ҳарфига ўнтадан савоб берилиши ҳақидаги ҳадисга қиёс қилсак, демак, ихлос билан Қуръон тиловатини эшитувчига ҳар бир ҳарфига йигирматадан савоб берилар экан. Валоҳу аълам!